

ШАРТНОМА № 26

Иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш буйича

2022 йил «27» июнь

Фаргона шаҳар.

Икки томонлама ҳўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Маргилон шаҳар 22-имконт чекланган болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб интернати** номидан раҳбар **Н.Ходжаева** (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи «**Қурилиш Оптима**» МЧЖ (кейинги ўришларда «Ижрочи» деб аталади) номидан раҳбар **Д.Мирзаев** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги ишларни бажариш учун тузилдилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Ижрочи» мазкур шартнома шартларига асосан: Маргилон шаҳар 22-имконт чекланган болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб интернати биносини иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиб, тўловларни амалга оширади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома буйича «Ижрочи» томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари қиймати лойиха-смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жами **634 018 395** (Олти юз ўттиз тўрт миллион ўн заққиз минг уч юзи тўқсон беш) сўмни. Шундан ККС 15 % **82 698 051** ташкил этади.

2.2. Зарурий асослар мавжуд булганда «Буюртмачи» ва «Ижрочи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қўшимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Ижрочи» томонидан таъмирлаш ишлари тулик бажарилгандан сўнг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини 30 % микдорида туловини «Ижрочи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги ҳисоб-китоблар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, аванс маблағларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида «Ижрочи» томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим булган ишлар 2022 йил 15 июль кунига қадар тулик якунланиши қерак.

4.2. «Ижрочи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ булишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3. «Ижрочи» ишларнинг бажарилишини техника ҳавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин ҳавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Ижрочи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тулик ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари қараёнида бажарилаётган ишларни лойиха-смета ҳужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Ижрочи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар буйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишларда қамчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда «Ижрочи»га ҳабар юборилади. «Ижрочи» томонидан ушбу аниқланган қамчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз қучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

- 6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тулик коплайди.
- 6.2. Агар «Ижрочи» томонидан бажарилиши лозим булган таъмирлаш белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, «Ижрочи» бажарилмаган ишлар кийматини 0.5% микдорида хар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматини 50% дан ошмаслиги керак.
- 6.3. «Ижрочи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан туловлар уз муддатида амалга оширилмаса туланмаган суммани 0.4% микдорида хар бир муддати ўтган кун учун «Ижрочи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси утказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.
- 6.4. Жарималар тўланиши «Ижрочи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

- 7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошка енгиб белмас куч холатлари натижасида келиб чикса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

- 8.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаса хужалик суди ва Узбекистон Республикаси амалдаги конунлар тартибда хал килинади.
- 8.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.
- 8.3. Ушбу шартномани амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошкармаси (булим)дан руйхатдан утказилганидан сунг конуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Қурилиш Оптима» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фаргона шаҳар С.Темур кўчаси 263 В-уй
Тел./факс: +99891 166 07 02
х/в 20208000205324594001
Банк номи Asia Alliance Банк Фаргона филиали
МФО 01173 СТИР 308048660
ОКОНХ _____



Рахбар

Д.Мирзаев

(Ф.И.Ш)

М.У

Хукукшунос:



«Буюртмачи»

Марғилон шаҳар 22-сонли имконияти чекланган
болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб
интернати

(Бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар Темирўл кўчаси 16 уй
Тел./факс: +73-235-13-96 90-631-94-90
ш/х 100021860304127092400075001
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 202531678
ОКОНХ:
Газначилик номи Фаргона вилояти буйича
Газначилик бошкармаси
Газна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказийбанк ХККМ
Тошкент МФО00014
Газначилик СТИРи 201 122 919



Буюртмачи

Н.Ходжаева

(лақозими)

(Ф.И.Ш)

М.У

рахбари

Чеченов